Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 4 декабрь Чоршанба. № 88 (14386)

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ёшларининг «Камолот» жамғармаси ўзига хос танлов ўтказаётир. Танловки, шарти битта, совғаси бир нечта! Кимда-ким қуйида берилаётган саволларга тўғри ва лўнда жавобларини шу йилнинг 20 декабригача таҳририятимизга йўлласа, «Камолот»нинг антиқа совғаси соҳиби бўлади.*

Соврин соҳиби бўлишга шошилинг, азизлар!

**1. Конституция сўзининг луғавий маъносини биласизми?**

**2. Ўзбекистон тарихида нечта Конституция амалда бўлган?**

**3. Ўзбекистон Конституциясида нечта модда бор?**

**4. Демократия ва шахс ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?**

**5. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Конституцияни қандай таърифлаган эди?**

**6. Биринчи Конституция илк бор қайси мамлакатда ва қайси даврда қабул қилинган?**

**7. Дунё экспертларининг Ўзбекистон Конституцияси ҳақидаги фикри.**

**8. Дунёда энг кам ўзгартириш киритилган Конституция қайси давлатга тегишли?**

**9. Маънавий ва моддий тутқунликнинг бир-биридан фарқи.**

**10. Дунёда Конституцияси йўқ давлатлар борми, бўлса у қайси давлатлар?**

**11. Амир Темур даврида Конституциявий ҳуқуқ бўлганми, бўлган бўлса у қайси номда аталган?**

**12. Конституцияга биноан кимлар халқ номидан гапириши мумкин?**

**13. Конституцияга асосан «сиёсий партия» нима дегани? Касаба уюшмалари-чи?**

**14. Жамоат бирлашмаси деб нимага айтилади?**

**15. Конституция ва қонуннинг устунлиги нима дегани?**

**16. Конституцияда шахс ҳуқуқи ва эркинликлари қандай кафолатланган? Сиёсий ҳуқуқлар-чи?**

**17. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қандай иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга?**

**18. Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда нимани тушунасиз?**

**19. Қонунчиликка биноан фарзандларнинг бурчлари нимада?**

**20. Олий Мажлис ваколатлари нималардан иборат?**

**21. Ўзбекистонда кимлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга?**

**22. Давлат ҳокимиятининг манбаи нима?**

**23. Давлат ҳокимияти тизими қандай ҳокимиятларга бўлинади?**

**ЖАВОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЙЎЛЛАНГ: 700083.**
**ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32.**
**«ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.**
**ТЕЛЕФОН: 36-56-58, 33-79-69.**

## ПОРТУГАЛИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

**ЛИССАБОН, 2 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 декабрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Португалия пойтахтига ташриф буюрди.

Бугун Лиссабон шаҳрининг «Белем» маданият марказида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Мазкур мулоқотга ЕХҲТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари таклиф этилган. Шунингдек, саммитда БМТ Бош котиби вакили, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари — Жазоир, Миср, Исроил, Марокаш, Тунис ҳамда Япония ва Корея Республикаси раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТ учрашуви чоғида мазкур ташкилот фаолиятининг устивор йўналишлари белгилаб олинади. Бу анжуман давлат ва ҳукумат бошлиқлари учун ЕХҲТ доирасида умумий манфаатларга дахлдор бўлган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммити чоғида умумий декларация ва хавфсизлик модели бўйича декларация қабул қилиниши кутилмоқда. Умумий декларацияда 1989 йилдан бери ЕХҲТга аъзо мамлакатларда демократияни қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар қайд этилади ҳамда уларни бундан буён ривожлантириш йўллари белгилаб олинади. Хавфсизлик модели бўйича декларацияда ЕХҲТ доирасида муҳокама эитлаётган «XX1 асрда Европа учун умумий ва кенг миқёсли хавфсизлик модели» ўз аксини топади.

Саммит ялпи мажлисини Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш кириш сўзи билан очди. У Европада, хусусан, собиқ Югославиядаги уруш ўчоғини бартараф этишда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ЕХҲТ ҳам фаол иштирок этганини қайд этди, мазкур анжуман Европада хавфсизлик архитектурасини барпо этишга киришилаётган бир пайтда ўтаётганини таъкидлади.

ЕХҲТнинг айни пайтдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти анжуман иштирокчилари эътиборини ташкилотнинг хавфсизликни таъминлаш, уруш ўчоқларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларига қаратди. У ЕХҲТ урушаётган томонларни яраштиришда қозилик қилмайди, аксинча, воситачи вазифасини ўтайди, деб айтди.

Ялпи мажлиснинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби вакили Михаил Петровский, ЕХҲТ парламент ассамблеяси раиси Хавнер Руперес сўзга чиқди.

Шундан сўнг ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари сўз олдилар.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун куннинг биринчи ярмида Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан учрашди.

Учрашув чоғида икки мамлакат ўртсидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЕХҲТнинг Лиссабон учрашуви ўз ишини давом эттирмоқда.

**(ЎзА).**






***Ғазалкентдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ўзбек-немис қўшма корхонаси болалар севиб истеъмол қиладиган турли кўринишдаги ширинликлар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда Германиядан келтирилган қурилмаларда соатига 2 тонна печенье ва 30 килограмм вафли тайёрлаш йўлга қўйилган.***

**Суратларда: оператор Саида Абдукаримова ва бир гуруҳ илғор ходимлар.**

**Р. Нуритдинов (ЎзА) суратлари.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек, республика иқтисодиётига сармоя қўядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

Корхонанинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган ҳамда хўжалик фаолиятидан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради.

3. Ушбу Фармон қабул қилингунга қадар рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари белгиланган муддат тугагунча сақлаб қолинсин.

4. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги кафолатлар ва имтиёзларга қўшимча равишда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари жорий этилсин:

4.1. Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқдан озод қилиш муддати 5 йилдан 7 йилга қадар узайтирилсин.

Илгари республика инвестиция дастурига киритилган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун мазкур Фармоннинг 1-бандида кўзда тутилган шартларга риоя этилгани ҳолда аввал берилган имтиёзли муддатни ҳисобга олиб, солиққа тортиш имтиёзли режимининг умумий даври 7 йилгача оширилади.

4.2. Низом жамғармасидаги хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқнинг амалдаги ставкалари камайтирилиб, улар низом жамғармасининг катталигига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача тенг бўлган суммадан —20 фоиз миқдорида;

1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан — 16 фоиз миқдорида.

4.3. Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилсин. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасидан солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинсин;

агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинсин.

Фойдадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш чоғида белгиланган имтиёзли даврдан сўнг бир йил ўтгунга қадар солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.4. Низом жамғармасида хорижий сармоялар улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси солиққа тортишдан озод қилинсин.

4.5. Қўшимча солиқ имтиёзлари 1997 йилнинг 1 январига қадар ишлаб турган ва рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин, бунда улар ўзларининг таъсис ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришлари ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига кирмайдиган янгидан ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги ва қўшимча равишда жорий этилаётган солиқ итмиёзлари тадбиқ қилинмайди.

6. Давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб бир йил мобайнида белгиланган тартибда ўзининг низом жамғармасини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда туза олмаган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар таркиб топмаган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

Бугун Бирлашган Араб Амирликларида Осиё кубоги мусобақалари бошланади. Ўзбекистон Миллий терма жамоаси Марказий Осиё вакили сифатида Япония, Сурия ва Хитой давлатлари билан куч синашади. Футболчи йигитларимизга бу масъулиятли учрашувларда омад милаймиз ***(Айнан шу санага бағишлаб тайёрланган футбол саҳифасини газетамизнинг 4-бетида ўқишингиз мумкин).***

## ЁШЛАР ВА ИСЛОҲОТ

**Эртага Шаҳрисабзда «Камолот» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Бизнес-инкубатор» биносида «Кичик ва ўрта тадбиркорлик негизида инновацион-технологик ривожлантиришнинг муаммо ва истиқболлари» мавзуида 1-республика илмий-амалий семинари бошланади.**

Шу муносабат билан биз жамғарма Бошқарувининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Ш. Равутовга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

***— Семинарни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад нима?***

— Маҳаллий хом ашёдан харидоргир, четдан келтирилаётган товарлар ўрнини боса олувчи моллар ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйиш, Республикамиз иқтисодини юксалтириш ва пировард натижада халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омилдир. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисослашган кўплаб кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарини ташкил қилиш ва уларни техник, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мақсадга мувофиқ равишда маблағ билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан. Мамлакатимизда бунинг учун ҳуқуқий ва меъёрий негиз яратилган. Аммо уни ҳаётга тўла тадбиқ этиш учун тадбиркорликнинг техник таъминотини осонлаштириш, фан техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш, мулк эгаларида замонавий бозор кўникмаларини шакллантириш ва тадбиркорликнинг ҳудудий хусусиятлари тўғрисида тасаввурларини кенгайтириш лозим.

Шу муносабат билан Жамғармамиз ташаббуси билан ўтказлаётган ушбу анжуманнинг асосий мақсади кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган идора ва замонавий усулларни қўллаб муваффақиятта эришаётган мутахассислар, олимлар ва муҳандислар, кичик корхоналар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчилар, илғор тадбиркорлар ўртасида ўзига хос мулоқот ташкил қилишдир. Ўйлаймизки, бундай мулоқотларда нафақат тажриба алмашинади, балки унда қатнашчилар ўзларини қизиқтираётган ҳуқуқий, ташкилий, амалдаги солиқ тизимига боғлиқ масалалар, кредит олиш ва ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича саволларга жавоб топадилар.

***— Анжуманда муҳокама этиладиган масалалар қайси йўналишларни ўз ичига олган?***

— Семинар дастурида маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлган замонавий технологиялар ва агротехнологияларни тарғиб қилишдан тортиб то тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий, ташкилий ва миъёрий масала ҳамда муаммолар мажмуаси ўз ифодасини топган. Анжуманда корхоналарнинг шаклланиши ва фаолият босқичлари тўғрисидаги мутахассислар фикрлари эшитилади. Қишлоқ жойлари учун республикамизда яратилган маърузаларга ҳам ўрин берилган.

Республикамизда ғалла етиштириш самарадорлигини оширишда қўлланилаётган зомонавий усуллар тўғрисидаги фикрлар ҳам семинар қатнашчилари ҳукмига ҳавола этилади. Айниқса, «Андижонликлар усули» деб шов-шувга сабаб бўлган пленка тагида чигит ундириш агротехнологияси тўғрисида бу усулни бевосита қўллаш мутахассилар фикрлари ва илмий маърузалар муҳокама қилинади. Шунингдек, тадбирда хорижий экспертларнинг ҳам маърузалари тингланади. Хуллас анжуман дастури жуда кенг қамровли.

***— «Камолот» жамғармаси ташкил этган Шаҳрисабздаги дастлабки қишлоқ ҳудудига мўлжалланган «Бизнес-инкубатор» ҳақида бугун эшитмаган киши бўлмаса керак. Унинг илк қадамлари, фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Ҳа, албатта. Бизнес-инкубаторлар воситасида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳаёт синовидан ўтган усулдир. Олиб борилаётган иқтисодийислоҳотлар ва бозор муносабатларининг устуворлашиб бориши ўлароқ ишсизлар сонининг кўпайиши табиий жараён. Натижада бўшаб қолган меҳнат ресурсларини имконияти борича тезроқ хизмат ва қайта ишлаш соҳасига йўналтириш лозим бўлиб қолади. Бу муаммони ҳал қилишда бизнес инкубаторлар ва ҳар хил инновация марказлар кўпайиши айни муддаодир. Бизнингча, бизнес-инубаторлар қишлоқ шароитида ташкил қилинса ўзгача аҳамият касб этади. Чунки бунда қишлоқ ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибалар жадал кириб келишига имконият яратилади.

Қишлоқ шароитида — Шаҳрисабз бизнес инкубаторида ўтказилиши мўлжалланаётган илмий-амалий семинар бунга яққол мисолдир. Бу анжуман Шаҳрисабз бизнес-инкубаторининг илк ва салмоқли қадамидир.

**Л. ТАНГРИЕВ суҳбатлашди**

*Маънавият ва дунё*

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Темур ва темурийлар даврига оид кўргазма очилди. Эрон Ислом Республикасининг фавқулотда ва мухтор элчиси жаноб Муҳсин Покойин қуйидагиларни бизга сўзлаб берди:

— Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги маърифий, маданий муносабатларни кенгроқ қулоч ёйдириш мақсадида соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврини ўзида акс эттирган кўргазма ташкил этиш нияти бизда анчадан буён бор эди. Бир неча кун давом этадиган ушбу кўргазмада жаҳонгир мактубларининг 30 нусхаси, 130 дан ортиқ нодир китоблар, шунингдек машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансуб миниатюра асарлари намойиш этилади. Мисол учун «Шоҳномай Бойсунғур» номли Темурнинг невараси Бойсунғур Мирзо томонидан китобот этилган нафис китобни зикр этиш мумкин. Дарвоқе, бу китоб Эронда салмоқли нусхада чоп қилиниб, ҳозирда жаҳон бозорида жуда қиммат баҳоланади. Яна шу даврга оид Низомиддин Шошийнинг «Зафарнома» асари Теҳронда чоп этилган бўлиб, у ҳам кўргазмадан муносиб ўрин олган. Айтиш жоизки, китобларнинг аксарияти бизда нашр қилинган. Амир Темур шахсига ва умуман ўша даврга бўлган эҳтиром юртимизда кучлидир. Куни кеча Тошкентда соҳибқирон Амир Темурга бағишланган халқаро семинарда ҳам эронлик олим-мутахассислар иштирок этишди. Жорий йилнинг июнь ойида эса юртимизда темурийлар даври адабиёти ва санъатига оид илмий-анжуман кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур кўргазмада Эроннинг Ташқи ишлар вазирининг таълим ва илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича муовини Маликий жаноблари қатнашди. Шу билан бирга қатор давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, Эрон музейларида Темур даврига оид қимматбаҳо экспонатларни мамлакатингиздаги тегишли музейлар билан алмашлаш ва тақдим этишга тайёрмиз. Яқин орада Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган (ўша даврни ўз ичига олган) форс тиладаги қўлёзмаларнинг каталоги Эронда чоп этилади. Қувонч билан таъкидламоқчиманки, ҳозир бизнинг мамлакатимизда бобурийлар ва темурийлар жамғармасини таъсис этиш масаласи кўриб чиқиляпти.

Ўйлаймизки, бизнинг барча сайъи-ҳаракатларимиз ҳар иккала халқнинг ўзаро дўстлигига хизмат қилади.

**Суҳбатни Назокат УСМОНОВА ёзиб олди**

